

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

530 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мева-сабзавот, узум ва полиз маҳсулотларини экспорт қилишни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2016 йил 19 сентябрдаги ПҚ–2603-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мева-сабзавот, узум ва полиз маҳсулотларини экспорт қилишни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2016 йил 19 сентябрдаги ПҚ–2603-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.
2. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.
3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, Молия вазири Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2016 йил 14 ноябрь,
385-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2016 йил 14 ноябрдаги 385-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 июндаги 245-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 6-сон, 33-модда) билан тасдиқланган

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й.

Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан хорижий валютадаги тушумни мажбурий сотиш тартибига 1-илова матни қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

**«Микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан
экспорт қилишдан тушган хорижий валютани сотиш
мажбурий бўлган товарлар
РЎЙХАТИ**

Т/р	Товарнинг номи	ТИФ ТН коди
1.	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва ёввойи ўсимликлар*	0701 — 0709, 0714, 0801 — 0802, 0803 10 100 0, 0803 90 100 0, 0804 10 000 1, 0804 20 100 0, 0804 30 000 1, 0804 40 000 0 — 0804 50 000 1, 0805, 0806 10, 0807 — 0810, 12
2.	Табиий газ**	2711 21
3.	Мис ва мисдан тайёрланган буюмлар	74, 8544

* Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва ёввойи ўсимликларни экспорт қилишдан тушадиган валюта тушумининг 25 фоизи сотилиши мажбурий.

** Шу жумладан транзит».

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 9 августдаги 189-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 8-сон, 40-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг хўжалик юритувчи субъектлари томонидан хорижий мамлакатлардаги улар ташкил этган савдо уйлари, ваколатхоналар, корхоналар орқали, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг хорижий мамлакатлардаги савдо-инвестиция уйлари орқали олиб чиқиладиган товарларни божхонада расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 5-бандга қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши қўшилсин:

«Бунда тушум тушиши ёки қайтариб олиб келиш муддати тўғридан-тўғри экспорт контрактлари, шунингдек фермер ва деҳқон хўжаликлари, агрофирмалар ва қайта ишловчи корхоналар билан тузилган воситачилик шартномалари, тасдиқланган банк аккредитиви очиш, ёхуд чет элда очилган қўшма корхоналар ва «Ўзагроэкспорт» акциядорлик жамияти ихтисослаштирилган ташқи савдо компаниясининг савдо уйлари номига биринчи даражали хорижий банкнинг кафолатини расмийлаштириш асосида «Ўзагроэкспорт» акциядорлик жамияти ихтисослаштирилган ташқи савдо компаниясининг воситачилик шартномалари бўйича янги, қурилган ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари, узум ва полиз маҳсулотлари амалда экспорт қилинган кундан бошлаб 60 кундан ортиқ бўлмаслиги керак»;

иккинчи — еттинчи хатбошилар тегишли равишда учинчи — саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 6-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Ўзагроэксспорт» акциядорлик жамияти ихтисослаштирилган ташқи савдо компанияси томонидан устав фондида «Ўзагроэксспорт» акциядорлик жамияти ихтисослаштирилган ташқи савдо компаниясининг улуши камида 51 фоизни ташкил этадиган чет элда очилган қўшма корхоналар ва «Ўзагроэксспорт» акциядорлик жамияти ихтисослаштирилган ташқи савдо компанияси савдо уйлариининг манзилига экспорт қилинганда етказиб берилиши мумкин».

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 15 июндаги 207-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2016 й., 6-сон, 56-модда) билан тасдиқланган Янги ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 7-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«7. Мева-сабзавот маҳсулотлари юклаб жўнатилган мева-сабзавот маҳсулотлари қийматининг камида 30 фоизини олдиндан тўлаш шартларида экспорт қилинади, қолган қисмига эса тасдиқланган банк аккредитиви очилади, ёхуд биринчи даражали хорижий банкнинг кафолати расмийлаштирилади.

«Ўзагроэксспорт» акциядорлик жамияти:

«Ўзагроэксспорт» акциядорлик жамиятининг чет элда очилган қўшма корхоналари ва савдо уйлари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланадиган рўйхат бўйича ишончли ва узоқ муддатли шериклар ҳисобланган етакчи хорижий импорт қилувчи ташкилотлар манзилига мева-сабзавот маҳсулотларини олдиндан ҳақ тўланмасдан, тасдиқланган банк аккредитиви очмасдан, ёхуд биринчи даражали хорижий банкнинг кафолатини расмийлаштирмасдан экспорт қилиш ҳуқуқига эгадир»;

б) 13-банднинг биринчи хатбошидаги «50» рақами «25» рақамига алмаштирилсин;

в) 14-бандда:

учинчи хатбошидаги «50» рақами «75» рақамига алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «50» рақами «25» рақамига алмаштирилсин.